



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 24 » avgust

№ 539

Toshkent sh.

Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятини янада рағбатлантириш, Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этишдаги хизматлари учун уларни муносиб тақдирлаш, ходимлар ўртасида соғлом рақобат мұхитини шакллантириш, ўз касбининг энг яхшиларини аниқлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ:

ҳар йили “Энг яхши худудий ички ишлар органи бошлиғи”, “Энг яхши профилактика инспектори”, “Энг яхши терговчи”, “Энг яхши тезкор ходим” номинациялари (кейинги ўринларда – номинациялар) бўйича республика танловини ўтказиш;

энг яхши ходимларни ҳар йили “25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни”ни нишонлаш чоғида эълон қилиш;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ғолибларни ҳар ойлик пул таъминотининг 100 фоизигача микдорда бир йил давомида моддий рағбатлантириш тартибини жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

тегишли номинациялар бўйича ички ишлар органларида энг яхши ходимларни адолатлилик, холислик, ошкоралик ва коллегиаллик принциплари асосида аниқлаш;

танловнинг ҳудудий саралаш ва республика финал босқичларини ўтказиш ҳамда ғолиб ва совриндорларни аниқлаш тартиби;

синов натижалари асосида ташкилий қўмитанинг қарори билан тегишли номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартиби ҳамда уларга бериладиган имтиёзлар.

3. Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловининг ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда – ташкилий қўмита) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

4. Белгилансинки:

ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танлови (кейинги ўринларда – танлов) “Энг яхши ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи”, “Энг яхши профилактика инспектори”, “Энг яхши терговчи”, “Энг яхши тезкор ходим” номинациялари бўйича ҳудудий саралаш ва республика финал босқичларида ташкил этилади ҳамда ўтказилади;

танловда ички ишлар органларининг ҳукуқбузарликлар профилактикаси, тергов ва тезкор-қидирув фаолияти соҳаларида камидан йил, “Энг яхши ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи” номинацияси бўйича ҳудудий ички ишлар органи раҳбарлик лавозимларида камидан иккиси йил амалий иш тажрибасига эга ички ишлар органларининг ходимлари иштирок этади;

танловнинг республика босқичи ғолиблари бир ойлик пул таъминотининг 50 фоизи миқдорида, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган ходимлар тегишлича бир ойлик пул таъминотининг 20 ва 10 фоизи миқдорида бир йил давомида моддий рағбатлантирилади;

танловнинг республика босқичи ғолиблари ва совриндорлари ҳар йили “25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни” муносабати билан ўтказиладиган асосий байрам тадбирида тантанали равишда эълон қилинади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ташкилий қўмита танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга вазирликлар ва идоралар, бошқа давлат ташкилотлари вакилларини, оммавий ахборот воситалари ҳамда кенг жамоатчиликни жалб этиш, ходимларнинг танловга бўлган қизиқишини кучайтириш ва қўтаринки руҳда ўтказиш учун зарур бўлган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш ҳукуқига эга;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ташкилий қўмитанинг ишчи органи ҳисобланади;

танловнинг адолатли ва шаффоғ ўтказилиши, шунингдек, номзодлар сифатли ва холисона танлаб олиниши, қўйиладиган талабларга уларнинг мувофиқлиги учун жавобгарлик ташкилий қўмитага юкланди.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

икки ой муддатда танловнинг юқори даражада ташкил этилиши ва ўтказилиши бўйича барча зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш ҳамда уларга йил давомида тўланадиган моддий рағбатлантириш пул маблағлари, шунингдек, танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан қопланишини тъминласин;

танлов ғолиблари ва совриндорларнинг фотосуратлари ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни бир йил давомида барча ички ишлар органларининг маъмурий биноларида жойлаштириш, хизмат вазифаларини бажариш жараёни ва эришган ютуқларини оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ахборот ресурслари орқали кенг тарғиб этиш чораларини кўрсинг;

2022 йил 1 январгача жорий йилдаги танлов натижаларидан келиб чиқкан ҳолда ички ишлар органлари тизимида бошқа номинациялар бўйича республика танловларини ташкил этиш тартибини белгиловчи ички идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва бу борадаги ишларни доимий равища рағбатлантириб борсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор ижроси билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 24 августдаги 539-сон қарорига
1-илова

**Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича
республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини (кейинги ўринларда – танлов) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танлов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (кейинги ўринларда – ИИВ) тегишли таркибий ва худудий бўлинмаларида хизмат олиб бораётган ходимлар ўтасида ўтказилади.

3. Танловда:

“Энг яхши профилактика инспектори” номинацияси бўйича – ИИВнинг барча таркибий ва худудий бўлинмаларида хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хизмат қилаётган ҳамда мазкур соҳада камида бир йил амалий иш тажрибасига эга ходимлар;

“Энг яхши терговчи” номинацияси бўйича – ИИВ хузуридаги Тергов департаментида, унинг барча таркибий ва худудий бўлинмаларида тергов (суриштирув) соҳасида хизмат қилаётган ҳамда мазкур соҳада камида бир йил амалий иш тажрибасига эга ходимлар;

“Энг яхши тезкор ходим” номинацияси бўйича – ИИВ марказий аппаратида, унинг барча таркибий ва худудий бўлинмаларида тезкор-қидирув фаолияти соҳасида хизмат қилаётган ҳамда мазкур соҳада камида бир йил амалий иш тажрибасига эга ходимлар;

“Энг яхши худудий ички ишлар органи бошлиғи” номинацияси бўйича – худудий ички ишлар органи бошлиғи лавозимида хизмат қилаётган ҳамда мазкур лавозимда камида икки йил амалий иш тажрибасига эга раҳбар ходимлар қатнашади.

4. Танловда ёши, жинси, лавозими ва унвонидан қатъи назар, мазкур Низомнинг 3-бандида назарда тутилган барча ходимлар қатнашиши мумкин, ушбу банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Куйидаги ходимларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:

генераллар таркибининг маҳсус унвонларига эга бўлган ходимлар;

ИИВ марказий аппаратининг департаментлари, бош бошқармалари ва бошқармалари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари лавозимида хизмат қилаётган ходимлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари лавозимида хизмат қилаётган ходимлар;

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари лавозимида хизмат қилаётган ходимлар.

республика ёки ҳудудий комиссия аъзолари, саволларни тузишга масъул шахслар ҳамда танловни ўтказишга бевосита дахлдор бўлган ходимлар.

5. Танловда ҳудудий комиссия аъзолари бир вақтнинг ўзида республика комиссияси таркибида қатнашиши мумкин эмас.

6. Танловдан асосий мақсад куйидагилардан иборат:

ички ишлар органлари ходимлари онги ва қалбида “Ватанга ва ҳалққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!” концептуал ғоясини мустаҳкамлаш, уларда ватанпарварлик ва юрт тақдирига дахлдорлик ҳисларини кучайтириш;

ички ишлар органларининг аҳоли орасидаги нуфузини янада ошириш, ходимларда вижданан ва садоқат билан хизмат қилиш туйгуларини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

ходимларнинг жанговар, жисмоний ва касбий тайёргарлик даражасини кучайтириш, улар орасида қонунчилик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш;

раҳбарлик касб маҳорати ва санъати самарали ўзлаштирилиши, шахсий таркибининг индивидуал касбий маҳоратини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиши;

ходимларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини ошириш ҳамда бу борадаги фаолиятни қўллаб-кувватлаш, шунингдек, ходимларда ташаббускорлик ва етакчилик фазилатларини ривожлантириш;

юксак билимли ва профессионал касб маҳоратига эга бўлган истеъододли ёш кадрларни аниқлаш ҳамда раҳбарлик лавозимларига тайинлаш мақсадида истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш.

7. Танлов ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ ўтказилади.

2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

1-§. Танловни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий талаблари

8. Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловининг ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда – ташкилий қўмита) томонидан ҳар йили июнь-июль ойлари давомида танлов ўтказилиши ҳақида ИИВнинг “www.iiv.uz” расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида эълон берилади.

9. Танловда иштирок этиш учун номзодлар ИИВнинг “www.iiv.uz” расмий веб-сайти орқали мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган муддат давомида рўйхатдан ўтади.

10. Рўйхатдан ўтиш йилнинг 31 июль куни якунланади ва рўйхатдан ўтган номзодлар ҳақидаги барча маълумотлар ташкилий қўмита томонидан тегишли ҳудудий ички ишлар органларига танловни ташкил этиш учун юборилади.

11. Танловда иштирок этиш учун номзодларнинг бошқача тарзда рўйхатдан ўтишига ёки ҳудудий саралаш босқичида иштирок этмасдан кейинги босқичда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

12. Танлов ҳар йили 1 августдан 30 сентябрга қадар қуидаги босқичларда ўтказилади:

ҳудудий саралаш босқичи – август ойида ИИВ марказий аппарати, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ходимлари ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида;

республика финал босқичи – сентябрь ойида ҳудудий саралаш босқичидағи бўлган ходимлар ўртасида республика миқёсида.

13. Танловнинг ҳудудий саралаш босқичини ўтказиш учун ҳар йили июль ойида ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизмат йўналишлари бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилади.

Ҳудудий комиссия раис, унинг ўринбосари, тегишли соҳавий хизматнинг 4 нафар малакали ходимлари ва комиссия котибидан иборат таркибда тузилади.

Ҳудудий комиссиялар таркиби Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар бошармалари бошликлари томонидан тасдиқланади.

14. Танловнинг республика финал босқичини ўтказиш учун ҳар йили июль ойида соҳавий хизмат йўналишлари бўйича қуидаги таркибда республика комиссияси (кейинги ўринларда – республика комиссияси) ташкил этилади:

раис – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг тегишли соҳавий хизматга раҳбарликни амалга оширувчи ўринбосари, бундан раҳбар ходимлар бўйича танловни ўтказишга масъул республика комиссияси мустасно бўлиб, мазкур комиссияга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири раисликни амалга оширади;

раис ўринбосарлари – ИИВнинг тегишли департамент ёки бош бошқарма бошликлари (2 нафар);

аъзолар – ИИВ марказий аппаратининг тегишли соҳавий хизматлари ходимлари (8 киши);

котиб – ИИВ марказий аппаратининг тегишли соҳавий хизмати ходими.

15. Ҳудудий ва республика танлов комиссиялари ўз фаолиятини ҳар йили 1 июлдан 20 октябрга қадар олиб боради.

16. Танлов қуидаги синовлар асосида ўтказилади:

иштирокчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлашга қаратилган синовлар;

иштирокчиларнинг жанговар тайёргарлик даражасини аниқлашга қаратилган синовлар;

иштирокчиларнинг билим даражасини аниқлашга қаратилган электрон тест синовлари (бунда тезкор-қидирав фаолияти бўйича тест синовлари қоғоз шаклида);

иштирокчиларнинг IQ (интеллектуал коэффициент) ва индивидуал психологик хусусиятлари даражасини аниқлашга қаратилган синовлар;

иштирокчилар билан якка тартибдаги сұхбат.

17. Республика комиссиялари томонидан мазкур Низомнинг 16-бандида назарда тутилган синовлар асосида танловни ўтказиш тартиби, машғулотлар тури ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ҳамда танлов бошланишидан камида 15 кун олдин ташкилий қўмита билан тегишли тартибда келишган ҳолда ҳудудий комиссияларга юборилади.

18. Танловнинг ҳудудий саралаш ва республика финал босқичлари иштирокчиларининг синов натижалари 100 балли тизим асосида тегишли республика комиссиялари томонидан белгиланган тартиб бўйича баҳоланади.

19. Танлов иштирокчилари ўзаро teng хуқуқли бўлиб, устунлик ёки имтиёзлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

20. Танлов ошкора тартибда ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари кузатуви остида амалга оширилиши ҳамда тегишли тартибда техник воситалар орқали қайд этиб борилиши мумкин, тезкор-қидирав фаолияти соҳаси ходимлари билан ўтказиладиган тест ва якка тартибдаги сұхбат синовлари бундан мустасно, мазкур синовлар ёпиқ тарзда ўтказилади.

2-§. Танловнинг ҳудудий саралаш ва республика финал босқичларини ўтказиш тартиби

21. Танловнинг ҳудудий саралаш ва республика финал босқичларида иштирокчиларидан мазкур Низомнинг 16-бандида назарда тутилган синовлар қабул қилинади ва кўп балли тизим асосида баҳоланади.

22. Синовлар натижаси бўйича тўпланган баллар қўшилиб, ҳар бир иштирокчининг якуний бали республика комиссияси томонидан белгиланган баҳолаш мезонлари асосида шакллантирилади.

23. Голиб ва совриндорлар баллар йигиндиси якуни бўйича аниқланади.

24. Икки ва ундан ортиқ иштирокчининг тўплаган якуний баллари teng бўлган ҳолларда жисмоний тайёргарлик бўйича энг яхши натижа кўрсатган иштирокчи голиб деб топилади.

25. Танловнинг худудий саралаш босқичида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар танловнинг республика финал босқичида иштирок этишга йўлланмани қўлга киритади.

Худудий комиссиянинг умумий йигилиши қарори баённома билан расмийлаштирилади ва унда танловнинг республика финал босқичида иштирок этишга йўлланмани қўлга киритган иштирокчиларнинг рўйхати кўрсатилади ҳамда республика комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

26. Танловнинг республика финал босқичи тегишли номинациялар бўйича худудий саралаш босқичида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар ўртасида ўтказилади.

27. Республика комиссиясининг умумий йигилиши қарори баённома билан расмийлаштирилади ва унда танловнинг республика финал босқичида ғолиб бўлган, шунингдек, совринли ўринларни эгаллаган ва фаол иштирок этган ходимларнинг рўйхати кўрсатилади ҳамда ташкилий қўмитага белгиланган тартибда тақдим этилади.

28. Танловнинг республика финал босқичининг якуний натижалари ташкилий қўмита қарори билан расмийлаштирилади ва мазкур Низомнинг 3-бандида назарда тутилган номинациялар бўйича ғолиб ҳамда совриндорлар рўйхати илова қилинади.

3-боб. Танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш

29. Танловнинг худудий саралаш ва республика финал босқичларида 1-ўринни эгаллаган иштирокчилар ғолиб, 2 ва 3-ўринни эгаллаган иштирокчилар совриндорлар ҳисобланади.

30. Танловнинг ғолиб ва совриндорлари қуидаги тартибда тақдирланади:

а) худудий саралаш босқичида:

1-ўрин учун – I даражали диплом ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 10 баравари микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти;

2-ўрин учун – II даражали диплом ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 5 баравари микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти;

3-ўрин учун – III даражали диплом ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 3 баравари микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти.

б) республика финал босқичида:

1-ўрин учун – I даражали диплом ва ҳар ойлик пул таъминотининг 50 фоизи микдорида бир йил давомида тўланадиган пул мукофоти;

2-ўрин учун – II даражали диплом ва ҳар ойлик пул таъминотининг 20 фоизи микдорида бир йил давомида тўланадиган пул мукофоти;

3-ўрин учун – III даражали диплом ва ҳар ойлик пул таъминотининг 10 фоизи микдорида бир йил давомида тўланадиган пул мукофоти.

31. Танловнинг республика финал босқичида фаол иштирок этиб ўзининг билим ва касбий маҳоратини юксак даражада кўрсатган, бироқ ғолиб ёки совриндор бўлмаган иштирокчилар ташкилий қўмита қарори билан қўшимча равишда бир йўла тўланадиган пул мукофоти ёхуд қимматбаҳо совға билан рағбатлантирилиши мумкин.

32. Танловнинг ҳудудий саралаш ва республика финал босқичи ғолиб ҳамда совриндорларига диплом, пул мукофотлари ва бошқа қимматбаҳо совғалар ҳар йили “25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни” муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирида тантанали равишда топширилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

33. Танловнинг республика финал босқичи ғолиб ва совриндорлари қўйидаги имтиёзларга эга бўладилар:

амалдаги интизомий жазоларини муддатидан олдин бекор қилиш;
юқори лавозимга тайинлаш учун кадрлар захирасига киритиш;
муддатидан олдин навбатдаги маҳсус унвонга тавсия этиш;
раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича курслар ва таълим муассасаларига имтиёзли равишда қабул қилиш юзасидан қонунчилик хужжатлари билан белгиланган тартибда тавсия бериш;

ривожланган хорижий давлатларнинг соҳага оид таълим муассасалари ва ташкилотларида ўқиши ёки малака оширишга юбориш;

идоравий ва давлат мукофотларига тавсия қилиш.

34. Танлов натижаларидан норози бўлган ходимлар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб 1 кун давомида апелляция комиссияларига апелляция аризаси бериш ҳуқуқига эга. Апелляция аризаси 1 кун ичida кўриб чиқилади.

35. Танловнинг ҳудудий саралаш босқичи апелляция комиссиялари тегишли ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари, республика финал босқичи апелляция комиссияси – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ташкил этилади.

Апелляция комиссиялари таркибига танлов комиссиялари фаолиятида иштирок этмаган шахслар киритилади.

36. Танлов натижаларидан норози бўлган ходимларнинг апелляция аризаларини кўриб чиқишида уларнинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин.

37. Апелляция комиссиялари ходимларнинг апелляция аризаларини кўриб чиқиб, натижаси бўйича аризани қаноатлантириш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

38. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларида келиб чиқадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ташкилий қўмита	Танлов ўтказилиши тўғрисида Ички ишлар вазирлигининг “www.iiv.uz” расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинади.	Июнь-июль ойлари давомида
2-босқич	Ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизмат ходимлари	Номзодлар Ички ишлар вазирлигининг “www.iiv.uz” расмий веб-сайти орқали рўйхатдан ўтади.	Июнь-июль ойлари давомида
3-босқич	Худудий комиссия (худудий саралаш босқичи)	<ol style="list-style-type: none">Танловнинг “Энг яхши профилактика инспектори”, “Энг яхши терговчи”, “Энг яхши тезкор ходим” ҳамда “Энг яхши худудий ички ишлар органи бошлиғи” номинациялари бўйича худудий саралаш босқичи ўтказилади.Худудий саралаш босқичи натижалари бўйича иштирокчиларни танловнинг республика финал босқичида иштирок этишга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.Тегишли номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорларнинг умумлаштирилган рўйхати тузилади ҳамда Республика комиссиясига тақдим этилади.	Август ойида
4-босқич	Республика комиссияси (республика финал босқичи)	<ol style="list-style-type: none">Танловнинг худудий саралаш босқичида ғолиб ва совриндор бўлган иштирокчилар ўртасида белгиланган нормативлар бўйича синовлар ўтказилади.Тўпланган балларни қўшиш орқали ҳар бир иштирокчининг якуний баллари йигиндиси чиқарилади.Баллар йигиндиси якунига кўра ғолиб ва совриндорлар аниқланади.	Сентябрь ойида
5-босқич	Ташкилий қўмита	Танловнинг “Энг яхши профилактика инспектори”, “Энг яхши терговчи”, “Энг яхши тезкор ходим” ҳамда “Энг яхши худудий ички ишлар органи бошлиғи” номинациялари бўйича ғолиб ва совриндорлар тақдирланади.	25 октябрь куни

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 24 августдаги 539-сон қарорига
2-илова

**Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш
бўйича республика танловининг ташкилий қўмитаси
ТАРКИБИ**

- Бобожонов П.Р. – ички ишлар вазири, *Ташкилий қўмита раиси*
- Собиров Ш.У. – ички ишлар вазирининг биринчи ўринbosари,
Ташкилий қўмита раисининг биринчи ўринbosари
- Икрамов А.И. – ички ишлар вазирининг ўринbosари,
Ташкилий қўмита раиси ўринbosари
- Абдулхаков Я.А. – ички ишлар вазирининг ўринbosари,
Ташкилий қўмита раиси ўринbosари
- Норгитов Ш.И. – Ички ишлар вазирлигининг Ташкилий департаменти
бошлиғи
- Абиджанов А.А. – Ички ишлар вазирлигининг Молия ва моддий-техника
таъминоти департаменти бошлиғи
- Бадалбоев Ф.Ю. – Ички ишлар вазирлигининг Ташкилий департаменти
Юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи
- Мирзияев М.А. – Ички ишлар вазирлигининг Ўз хавфсизлиги бошқармаси
бошлиғи
- Гиясов Ш.К. – Ички ишлар вазирлигининг Жамоатчилик ва оммавий
ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи
- Махсумов Х.В. – Ички ишлар вазирлигининг Маънавий-маърифий ишлар
ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи
ўринbosари, *Ташкилий қўмита котиби*

Изоҳ. Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига
ушибу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарши
юклатилган ходимлар киритилади.

